### БИР ОҒИЗ СЎЗ

Бугунги кунда ҳукуматимиз хусусан ёш ижодкорларнинг униб-ўсишлари учун жуда яхши шароитлар яратиб бераётир. Бу — қуруқ гап эмас, албатта. Энди — энди сирли — сеҳрли адабиёт оламига кириб келаётган бошловчи қаламкашларнинг ҳеч бири жамиятимиз назаридан четда қолаётгани йўқ. Аксари ёш шоирларнинг илк китоблари улар ўрта мактабни тугатмасданоқ нашр этиляпти. Ўрта мактабни тамомлаб, адабиёт факультетига ўқишга кирмоқчи бўлиб келаётганлар орасида китоби нашр этилганлар анча-мунча топилади. Ҳозирги ёшлар эрта вояга етаётирлар. Бу яхшилик аломати.

Хуллас, ҳукуматимиз ёш ижодкорларга астойдил эътибор бераяпти бугун. Ҳамма гап ёшларнинг ўзида. Улар ўзларига кўрсатилаётган беғараз эътиборни оқласалар бас.

Ҳозирги ўзбек адабиёти вакилларининг аксари қисми ТошДУ ўзбек филологияси ва журналистика факультетининг собиқ талабаларидир. Дарҳақиқат, Одил Ёқубов, Шукур Холмирзаев, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов каби миллатимиз фахрига айланган шоир ва ёзувчиларимиз ўз вақтида юқорида номи зикр этилган факультетларда таълим олган эдилар.

Ҳозир ҳам олис вилоятнинг чекка бир қишлоғида яшайдиган ёш адабиёт ишқибози, агар у адабиётга жиддий қизиқса, иложи борича ТошДУ ўзбек филологияси ёки журнилистика факультетига ўқишга киришга ҳаракат қилади. Чунки бу даргоҳнниг илмий ижодий мақоми юксак.

Яқинда университет «Камолот» жамоатчилик маркази ташаббуси билан ўзбек филологияси факультети қошида «Ижодхона» тўгараги ташкил этилди. Тўгаракда асосан машҳур шоир ва ёзувчиларимиз ижод сирлари хусусида маъруза ўқийдилар. Ҳозиргача бунда Хуршид Дўстмуҳаммад, Рауф Парфи, Назар Эшонқул, Худойберди Тўхтабоев ва Иқбол каби таниқли ижодкорлар меҳмон бўлиб, ижод оламининг сир-синоати ҳақида қизиқарли суҳбат ўтказдилар.

Қуйида «Ижодхона» тўгарагининг бир гуруҳ иштирокчиларининг ижод намуналарини ўқувчилар эътиборига ҳавола этамиз. Уларни ўқиб, бугун ҳам ТошДУ ўзбек филологияси ва журналистика факультетларида кучли ижодий муҳит барқарор эканлигига ишонч ҳосил қилсангиз ажаб эмас.

Сен кетдинг,
Бўғзимда зорларим қотди.
Тонгларим сенингсиз ташна, хор отди.
Сен кетдинг,
Гул умрим қилдинг-а вайрон,
Сарсонман, сарсонман, сарсона, сарсон.

Қолгани шу: ҳокисорим-муҳаббат,
Кўнглимдек топталган хорим -- муҳаббат,
Минг чорлаб етмаган зорим -- муҳаббат,
Армонман, армонман, армона, армон.

Билмам, қайдан кирдинг умри -- шодима?
Билмам, қайга элтар энди хотима?
Бунча етмай ўтар бўлди додима,
Ҳайронман, ҳайронман, ҳайрона, ҳайрон.

* * * * *

Сен қандай дунёсан, кўзлари сулув,
Учсам-да бағрингга етиб бўлмайди.
Сен қандай риёсан, қандайин ғулу?
Кечсанг-да ҳеч кечиб кетиб бўлмайди?

Излайман нигоҳинг кўрсайдим деб бир,
Излайман, қанийди бўлса бир чора...
Кетар бўлдим, охир, номанзир, бедил,
Муҳаббат дардидан юрагим пора.

Ҳеч ким билмайди энди ҳолимни,
Ҳеч кимга ноаён бу дарду-оҳим.
Ҳар лаҳза кўнглимга ханжардек ботиб
Ютиб бораётир сим-симдан захим.

Айт, не бало эдинг, кўзлари сулув?
Кечсанг-да ҳеч кечиб кетиб бўлмайди.
Қандай риё эдинг, қандайин ғулу?
Алданиб, алданиб етиб бўлмайди...

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ТошДУ талабаси**

**БАҒИШЛОВ**

Қийиқ оқим экан бу макон,
Чертиб борар юрагинг торин.
Гар бир лаҳза бўлсанг паришон.
Олиб кетар умринг баҳорин.

Қабоҳатнинг сўқмоғи чақир
Қўлга олса ўтли палакни
Тани замин сатҳида зоҳир
Поймол руҳлар кезса фалакни
Бу омилни тарк эт азизим.

Қаршисида тиз чўкиб мудроқ
Илтижола сўрсанг истакни
Лек этолмасанг руҳингни идрок
Раббинг амр этган тилакни
Бу бўз дилни тарк эт, азизим.

Хиёнатга босиб мужгонин
Муҳаббатинг қолса увиллаб
Еллар олиб қочса асрорин
Ишқ чорбоғи қолса ҳувиллаб
Бу манзилни тарк эт азизим.

Туннинг мудроқ кўксин тимдалар
Бўлиб чироқ пиликка муштоқ
Оний кўзгу шарафин олар
Машъал каби ёритмас бироқ
Бу манзилни тарк эт азизим.

Лайло, дардинг сарҳади битган,
Дармон мавжин қалбингга олма.
Юзин қуёш тафтига тутган
Япроқлардек қовжираб қолма!

**Лайло СОАТОВА,**
**ТошДУ талабаси**

**ВАТАН**

Ватан десам дил қонарму,
Кўзимдаги ёш тинарму.
Дурим десам, дурдан устун,
Ягонасан, сеҳринг борму.

Оҳ, найладим ўзга элда
Сени куйлаб ёт бир тилда,
Она ватан, Онам каби
Она тафтин сездим сенда.

Ватан сени куйламоққа,
Номинг оламга ёймоққа,
Жон десанг, жоним бермоққа,
Шайландим сен учун Ватан.
Чоғландим сен учун Ватан.

Сен жон эдинг, жаҳон бўлдинг,
Тенглар ичинда тенг бўлдинг.
Не-не султонлар ўлкаси
Бу кун ўз султонли бўлдинг,
Шуҳратларга бурқан Ватан.
Истиқлолга боғлан Ватан.

**Матлуба ЁҚУБОВА,**

## ТУЙҒУЛАР

Куз - кўз ёш тўкаётган қиз. Унинг кўзлари маъюс, руҳи хазин. Унинг чимилдиққа киргиси йўқ. Унинг ери баҳор эмас, қиш. Қишнинг совуқ қучоғига киргиси йўқ унинг...

***

Мен нечун дунёни кўраман. Чунки сен мавжудсан. Гарчи менинг мавжудлигим сенинг кўришинга асос бўлмаса-да...

***

Юлдузлар - мунажжим. Мунажжим жим. Юлдузларнинг биргина армони бор --мен юлдуз эмасман. Мен жимман. Мен мунажжим эмасман.

***

Унинг сочлари оппоқ. Бошида сонсиз чанг - юлдузлар. Тун йиғлаяпди: ҳилолни - қизини - эрга - камалакка бераяпти. Кўз ёшлари -- камалакнинг етти жилоси бўлиб замин узра ёғиляпти. Бошидан рўмоли сирғалиб тушиб, учиб кетаяпти - булутлар.

***

Ҳаётнинг хатоси -- ишқ.
Ўлимнинг хатоси -- хиёнат.
Бу кимнинг хатоси -- мен...

***

Ўйларим... Ўйинга шунчалик берилиб кетганидан уйини йўқотиб қўйган ўйларим.

***

Ҳаётнинг тенг ярми бир лаган ошга тенг. Муҳаббатнинг-чи?

***

Нега ой ўзини еб қўйди?

***

Муҳаббатнинг кўзи кўр. Аммо қулоғи яхши эшитади.

***

Нега қуёш қизариб ботади. Осмондан айрилиш шунчалар қийинмикан. Мен сендан ажралдим-ку! Қизармадим-ку! Эрта тонг яна қайтиб чиқмасам-да...

***

Ҳар бир инсон -- бир гуристон. Ҳар бир одамнинг кўксида бир нечта қабр бўлади. Битта қабрнинг ичига иккита жасад сиғмайди. Ким кўксидаги қабрга ўзини кўмади, бошқа биров ўзгани дафн этади. Мен эса дардларимни кўмдим кўксимга...

**Гулбаҳор ИСКАНДАРОВА,**
**ТошДУ талабаси**



## ЧЕКСИЗЛИКНИ КЎЧИБ ЁТАР ОҚ ҚОҒОЗ

***

Узун-узун сочларимдан узун менинг армонларим,
Маҳзун-маҳзун тунлар керак, оға, сизга сўйламоққа.
Андишалар дардларимга тайинлаган сарбонларим,
Минг бир карвон қўнғироғи етмас агар куйламоққа.
Саҳродаги янтоқ каби қовжирайди юраккинам,
Бир косада кўз ёш беринг, қуриб ўтин бўлмасидан.
Куйиб-куйиб тўкилган эй пешонаси шўр, талхгинам,
Видо сўзин айтай, сени қарға-қузғун юлмасидан.

Хайр оға, омон қолинг, мен узлатга ёр бўламан,
Дард, айтавер қўшиғингни, мен қўлингда тор бўламан.
Кўз ёшимни тор қилиб хотирага тақиб қўйинг,
Бир кун келар, ҳеч бўлмаса бир қаторлик шеър бўламан.

* * *

Дунё -- сочига гул таққан гўзал қиз,
Жилмайиб жонингни суғирар тандан.
Дунё -- қар кампир, билмайди ҳаргиз,
Туғилиб қолганин қайси ватанда.

Дунё -- гул-чечакка бурканган макон,
Битта гул узгинча тугайди умр.
Дунё -- яшаш учун топилмас имкон,

Омонатин сўраб келади кимдир.

Дунё -- кўзларимнинг қора нуқтаси,
Дунёни яшириб яшайди кўзинг.
Дунё -- Аллоҳ берган битта туҳфаси,
Билмайсан нелигин охирги сўзинг.

**Зиёда АКБАРҚУЛОВА,**
**ТошДУ талабаси**

* * *

Мен энди Зуҳронинг гули учун ҳам
Дунёни ёндириб кетсам арзийди.
Мен уни ҳар недан устун қўймоғим
Муҳаббат олдида буюк қарзийди.

Менга энди ҳеч не керакмас, майли
Дунёнинг кўкларга совурулсин кули.
Сўнг қабрим устида мени менсимай
Майли, униб чиқсин Зуҳромнинг гули.

**ХУДБИННИНГ УЗРИ**

Юрак алвон майга турибди тўлиб
Ва унга қўшилган шеър деган оғу.
Мен уни сипқордим. Сўнгра маст бўлиб,
Ўз бахтим ҳақида ўйлагум оғир.

Бу ёмон одатни ташлайман, майли
Йўлини тутмасман бадпарастнинг.
Бир қошиқ қонидан кечиб қўйинглар
Мендайин бешафқат Шодипарастнинг

**Шоди ОТАМУРОДОВ,**
**ТошДУ толиби**

**УМР-ЙЎЛ**

Умр-йўл дейдилар, манзил йироқ.
Бунда шодлик ҳам бор, қайғу ҳам кўпроқ
Туртиниб-сургиниб етган манзилинг
Икки қарич еру бир уюм тупроқ
Сен унинг сўнгига етгунингча то
Не-не йўлдошларла бўлурсан ошно
Кимлар учун азиз ва кимлар учун
Хокисор бўлурсан мисоли япроқ
Умр-йўл дейдилар, манзили сароб
Шамолдек тоғларни кезиб ўтарсан.
Дўл бўлиб боғларни эзиб ўтарсан
Ниҳоят ўзингни англарсан, бироқ.
Энди кеч, пушаймон чекма беҳуда
Раҳм эт қалбингта, қийнама ортиқ.
Унга эркинликни айлади тортиқ
Сен эса ором ол сокин, осуда.
Умр-йўл дейдилар, манзили осмон.
Билки, бу дунёда барчамиз меҳмон.

**ҚИЗҒОНГАНИМ**

Бир умрга ваъда қилиб васлин дилдор
Бир лаҳзада ўз аҳдини қилди бекор.
Ой юзига қилиб мени зор-интизор,
Юлдузлардан қизғонганим -- қалам қошим
Кетаверар парво қилмай бағри тошим
Қалбга дарду ҳижронларни солиб кетди
Оромимни ўзи бирлан олиб кетди.
Ишқим аро йўлда сарсон қолиб кетди.
Кундузлардан қизғонганим нур - қуёшим
Кетаверар парво қилмай бағри тошим
Умидларим чўкар бўлди дарёларга
Руҳим парвоз этар бўлди самоларга
Ўхшаб қолсам ишқ йўлида гадоларга
Саҳроларда юрсам сарсон кўзда ёшим,
Бир қайрилиб боқармикан бағри-тошим.

**Нодир ҒАНИЕВ,**
**ТошДУ толиби**

## СОЯБОН

Ёзнинг эрта тонгги. Уфқда қуёшнинг бир бўлаги кўриниб, дастлаб осмон ёришди. Қуёш кўтарилгани сайин ёруғлик ерга ина бошлади. Ердан қаддини холис кўтариб олган саратон қуёши бир дам ўтмаёқ дунёни қиздира бошлади.

... Очиқ, яланг майдонга келиб қолдим. Майдон ўртасида очилмоқ орзусида тонгнинг жонбахш шаббодасига оҳиста бош эгиб, қуёш нурларида ажиб тобланиб, ҳаводаги жимирлаш таъсирида нафис чайқалаётгандек туюлаётган ниҳолга кўзим тушди. У майдонга шунчалар ярашиб турибдики, гўё тонгда чиройли рўмолчасини нозик-нозик силкитиб саломга шайланган келинчак мисол эди. Табиатнинг бу гўзал ижоди ўтажак бугунги кунимга сарлавҳадай туюлди.

Иссиқдан лоҳас бўлиб қайтараканман, яна ўша ниҳолга кўзим тушиб, у томонга боргим келди. Иссиқдан ниҳолнинг жони ҳам менинг жоним каби қаттиқ қийналганлигини сездим: боёқишнинг барглари сўлигансимон, рангида бояги тетиклик ва тиниқлик йўқ, гўдак панжаси каби бежирим япроқчалари сал қайрилган.

Ниҳолга боқар эканман, ҳали замон ўзига кела бошлагач, туннинг қоронғу пардаси, совуқ шабоддасида титраб, тонгги фароғатга етишиш, тонгда эркалаб қуёшга бўй чўзиш, оқибат жазо қуёшнинг ўткир тиғида яна азоб чекишини ўйладим. Тун, тонг ва яна...

Сенинг соябонинг йўқ экан-да. Соябон! Бошида Соябони йўқлар ана ўша қисқагина давом этган тонги фароғатдан сўнг қуёшнинг ўткир тиғлари остида азоб чекишга маҳкум эканларда.

Уйга кириб борар эканман, уясидан бемаврид йиқилиб тушган қалдирғоч боласининг чирқиллаб ётганини кўрдим. Эндигина қанот ёймоқчи бўлган бу қушча қайрилган қанотларини қимирлатиб, кўкка парвоз этиш учун беҳуда уринар, бу уринишлар аянчли нола билан қўшилиб, юракни ларзага соларди.

Йиллар эса ўз ортидан яхши-ёмон кунларни қолдириб ўтиб борар, аммо қалдирғоч ҳамон қанот қоқмас, балки умр бўйи қоқа олмас...

**ДИЛБАР**
**ТошДУ талабаси**

* * *

Зулмат йиғар кокилларин - тонг отади
Булбулларим нола қилар гул ишқида
Юрагимга қор ёғади, зар ёғади
Ташқарида офтоб чиққан гул фаслида.

Ўйларимнинг кокиллари - сумалаклар
Юрагимнинг бўғотида, бўғотида
Тушларимга сен келмассан, сен кирмассан
Алпомишлар келаверар Ғиротида

Ишончимни қўлларимга узук қилиб
Гулларимга қор элайсан саҳарлари
Билолмабман, баҳоргинам кулгуларинг
Ўзим билган қиш-қировнинг заҳарлари.

Алдамчи ўй, алдамчидир дунёлари
Алданибмиз эрта кулган баҳорларга
Қўй, баҳорга ўхшамагин кўз олдимда
Мен ўхшамай афсус чеккан анҳорларга!

* * * * *

Дунё карвонсарой, инсонлар - сайёҳ
Ҳар ким ўз хаёли,. ўз ғами билан
Бировнинг бировга таъналари йўқ
Ҳар кимнинг хаёли ўзига Ватан.

Кимдир оҳ чекади ишқнинг ғамида
Ким олтин дардида куйиб ёнадир
Мен-чи, мен шеърларим ҳаёт бўлса-ю
Қалбим уйғоқ бўлса нафим қонадир.

**Дилноз КЎЧКИНОВА,**
**ТошДУ талабаси**

Мен сени соғиндим, кўргим келади,
Сенсизлик азоби юракни эзди.
Бу қандай ёзиқдир, яшамай туриб,
Яшашдан жуда ҳам зериқдим, бездим.

Юрагим -- инидан йиқилган қушча,
Осмон узоқ эрур, ер эса қаттиқ.
Шу ҳолда ҳаётим миннатли ошдай,
Нозик юрагимга кўп оғир ботди.

***

Сокин осмон. Юлдузлар ёруғ,
Ой тўлибди, лек ҳамон ёлғиз:
Кўкда маъюс кезиб юрибди
Чиройидан пушмон бўлган қиз.

Булут олиб қочмоқчи бўлди,
Тоғ бағрига босди бир кеча.
Ёмғирчалар суйиб ўпдилар
Лабларидан тонг оқаргунча.

**Соҳибхон ЮСУПОВ,**
**ТошДУ толиби.**

*Тақриз*

## ОЛИС-ОЛИСЛАРГА ҚОЧМИШ ҲОВ ОСМОН...

**Наби Жалолиддин : " Ҳур нидо" (Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1996 йил) китобига чизгилар**

Кейинги пайтда Иқбол, Салим Ашур, Абдувоҳид Хайит каби ёш шоирларнинг ижод намуналари китоб холида чоп этилди: ўзбек шеърияти боғида умидли ниҳоллар бўй чўза бошлаганини сездик. Шунингдек, марказ ва вилоят нашриётларида ўқитувчи, майда амалдор, боғбон, тижоратчи, сухандон, чўпон каби касб эгаларининг ҳам шеърий китоблари нашр этилиб, китоб магазинлари расталаридан мустаҳкам ўрин олди. «Майда китобчалар кўпайиб кетди, уларни жойлаш ҳам қийин, ҳам ҳеч ким сотиб олмаяпти», — деб нолиди китоб магазини сотувчиси.

Наби Жалолиддин — «Ёлғизгинам ёлғизлик» шеърида «Тупураман энди дунёга» дебди. Жўн, ғализ, шеърга айланолмаган оддий гап бу. Ҳаётда кўпчилигимиз дунёга тупурдим, деб айтганмиз. Лекин Наби Жалолиддин кўпчилик эмас, у — шоир ва шеърда дунёга тупурмоқчи бўлган зот, яъни шоир бундай аламзада истагини шеър талабига бўйсундириши лозим. Шеърнинг биринчи талаби — гўзаллик. Гўзаллик дейилганда фақат кўнгил ва кўзга хуш ёқадиган нарсаларни тасвирлаш керак, демоқчи эмасман. Хунук манзара, бадбин туйғу, ҳатто ахлоқсиз истакни ҳам гўзал тасвирлай олишдир. Масалан, Салим Ашурнинг ушбу сатрлари:

**Дарё мисол тўлғонди аёл,**
**Кийимларим қолди қирғоқда.**

Шунақа. Этик ақидалар наздида ахлоқсиз ҳисобланган нарсалар ҳам чинакам шеър тилида гўзаллашиб кетаверади. Агар Салим Ашур юқоридаги ҳолат-ҳодисани оддий сўзлашув тилида айтса, қулоққа ноқулай эшитилади: «Ҳур нидо»дан олинган манави мисралар ҳам ғализ, ҳам тўмтоқ:

**Ўзлигимни қучоқлаб қўлим,**
**Ўзим билан ёлғиз ўзимман...**
(Гуноҳ)

Тушунарсиз. Қандай қилиб ўзликни қўл билан қучоқлаш мумкин. Умуман, унинг шеърларида шеъриятнинг асосий қонуни — образлилик анча кучсиз. Битта-яримта учраб турадиган ўхшатишлари ҳам беўхшовлиги билан ўқувчи энасасини қотиради. Диққат қилинг:

**Ликиллайди булутнинг думи**
**Танглайида очофат кўкнинг**

Ёки:

**Бўзлаб учган бўм-бўш юраклар**
**Булутларнинг думидан тортар...**
**(Ёмғирдан кейинги умр)**

Ёш шоир сўзни яхши таниб олмаган, сўзларни жонли ҳис этолмайди. Шунинг учун у «Ўсаётган маҳзун хўрсиниқ» деб ёзибди. Менингча, «махзун хўрсиниқ» — ғализ бирикма. Хўрсиниқнинг ўзида махзунлик бор. Шунингдек, хўрсиниқ сўзига нисбатан ўсаётган дейиш ҳам мантиққа мос эмас.

Наби Жалолиддин тубандаги сатрларида кучли ирода, қаттиқ севги, чексиз садоқат ҳисларини тантанавор, кўтаринки руҳда баён этмоқчи бўлган.

**Қотиб турсанг қорачуғимда,**
**Жисминг қолса қароғимда ҳам,**
**Бардошларнинг ёқасин йиртиб,**
**Қонишларга етказиб алам**
**Мен сени кутаман.**

Сўнгги — «Мен сени кутаман» сатр билан тепадаги тўрт мисра орасида ҳеч қандай поэтик мантиқ, боғлиқлик йўқ. Шу билан бирга, ҳар бир мисра ўз ҳолича.

Наби Жалолиддиннинг энг катта камчилиги шуки, унинг шеърга айлантирмоқчи бўлган ҳис-кечинмаларида шеърият кам, оз, у инжиқ ва саёз, илоҳий тафтдан маҳрум кечинмаларни шеърга айлантирмоқчи бўлади. Унинг шеърларида куй йўқ, тасвир сезилмайди, кечинмалари ёвғон тахлит — ширасиз.

«Ҳур нидо»да шеър дейишга арзигулик нозик кузатишлар ҳам оз бўлса-да, бор. Масалан:

Олис-олисларга қочмиш ҳов осмон... Бу сатрда шоир нигоҳи сезилади. Манави мисралар ҳам ўқувчи диққатини бир зум ўзига жалб қила олади:

**Онасига ўхшар одамлар,**
**Қушларга ўхшайди онаси...**

Одатда ёш шоирларнинг илк тўпламида бир неча яхши шеър бўлиб, улар тўпламнинг қадрини кўтариб тургич эди. Наби Жалолиддиннинг илк шеърий китобчасида ўшандай яхши шеърлар биронта ҳам йўқ, балки тузуккина сатрлари бор. Лекин улар ҳам ўз оёғида аранг турибди, ўзларини зўрға эплайди.

**Оқилжон РОЗИЙ**

